

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 313 Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги 50-сон қарорига мувофиқ, шунингдек қишлоқ жойларда бирламчи тиббий-санитария ёрдамни мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 24-бандига қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудирининг ўринбосари — қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини мувофиқлаштирувчига: врачлик лавозимларида узлуксиз ишланган умумий стажнинг биринчи уч йили учун ва ҳар бир кейинги икки йили учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 50 фоиз».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 12 июнь,  
156-сон